



«Абӯ Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Аллоҳ таоло деди: «Одамзотнинг ҳамма амали ўзи учун, фақат рўза бундан мустасно, у Мен учундир ва унинг мукофотини ҳам Ўзим бераман». Рўза қалқондир. Қай бирингиз рўза тутган бўлса, фаҳш сўзларни сўзламасин ва бақир-чақир қилмасин. Агар бирор у билан уришса ё ҳақорат қилса: «Мен рўзадорман», десин. Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, рўздорнинг оғзидан келувчи ҳид Аллоҳ наздида мушкдан кўра яхшироқдир. Рўздорни хурсанд қиласиган икки қувончи бор, бири ифтори олдида, иккинчиси Парвардигорига йўлиққанида» (Муттафақун алайҳ).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Кимки Рамазон ойида иймон билан ва савоб умидида рўза тутса, унинг ўтган

гуноҳлари кечирилади» (Муттафакун алайх).

Шарҳ:

Аллоҳ таоло рўзани фарз қилди ва уни улуғлаб, бошқа ибодатлар ичидан уни Ўзига хослади, унга кўп ажрлар ваъда қилди, Рамазон ойи рўзасини унинг фарзлигига иймон келтириб, савоб умидида тутган одамнинг гуноҳлари кечирилишига сабаб қилди.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Рамазон рўзасининг фазли;
2. Унинг савоби улуғлиги;
3. Рамазонда иймон билан ва савоб умидида тутилган рўза ўтган гуноҳлар кечирилишига сабабдир.